



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
2-сон



БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
То‘лқин Ismatulla o‘g‘li Yahyojev Qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahlilini takomillashtirishda korrelyatsion tahlil xususiyatlari	154
Ашур Али Рустам ўғли Латипов Аҳолининг бандлигини таъминлашга таъсир этувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари	161
Ойбек Мадатович Эсанов Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулкларнинг ҳисобини такомиллаштириш масалалари	167
БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Гулнора Мардиевна Шадиева, Шодиёр Абдихалилович Султонов Аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни	171
Акмал Абдувалиевич Абдусаидов Нодавлат иш билан бандлик хизмати ривожланишининг худудий хусусиятлари ва ишлаш технологияси	175
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Инатилло Убайдуллаевич Нематов Олий таълим хизматлари бозорини ривожлантиришда маркетинг стратегиясидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари	181
Iroda Yormamatovna Beknazarova Ingliz tilini muammoli o‘qitish texnologiyasidan foydalangan holda o‘rgatish	188
АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ	
Shohista Bobobekovna Toyirova Muhofaza qilinadigan hududlarning tashkil etilishining jamiyat va tabiat munosabatlaridagi ahamiyati	191
ИБРАТЛИ БИТИКЛАР	
Ҳақиқий бахт Донишмандлар айтган саккизта ҳикматлар	197

Ойбек Мадатович Эсанов – СамИСИ таянч докторанти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КЎЧМАС МУЛКЛАРНИНГ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулклар миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришдаги муҳим объектлардан бири, корхоналарнинг балансидаги кўчмас мулкларнинг таҳлили, бухгалтерия ҳисобида тутган ўрни ва уларнинг асосий вазифалари ёритилган.

Калит сўзлар: Кўчмас мулк, бино, ер участкаси, иншоот, ҳисоб, назорат, таҳлил, кўчмас мулк ҳисоби, бухгалтерия вазифалари.

Кириш. Янги Ўзбекистонда кўчмас мулклар ҳисоби, уларнинг корхоналар фаолиятини ривожлантиришдаги тутган ўрни ва асосий вазифаларини мукамал ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришда кўчмас мулкларнинг ҳисоби ва назоратини ижобий йўлга қўйиш ҳамда ташкил этиш, республикада кўчмас мулклардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартларига мос ҳолда уларнинг ҳар бирини фойдаланиш мақсадларига қараб ҳисобини жадал яхшилаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Республикада иқтисодиётини ривожлантиришда йўлга қўйилган давлат дастурлари, хусусан “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони ва “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” нинг таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида, мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантиришдаги асосий мақсадларни амалга ошириш мақсадида куйидагиларни амалга ошириш лозим:

- Давлатнинг мулкий муносабатларга ноқонуний аралашувини чеклаш ва корхоналар кўчмас мулкларни турли белгиларига кўра алоҳида таснифлаш;
- Хусусий мулк дахлсизлиги ва ҳимояси кафолатларини кучайтириш ва корхоналар кўчмас мулкларни турли белгиларига кўра алоҳида бухгалтерия счётларида юритиш;
- Мулкий, шу жумладан ер участкасига бўлган ҳуқуқларни сўзсиз таъминлаш;
- Корхоналар кўчмас мулкларни турли белгиларига кўра ҳисоботларда ҳам алоҳида акс эттириш;

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Республикада иқтисодиётини ривожлантиришда корхоналарнинг ўрни беқиёс. Шу боисдан ҳам корхоналарни ташкил этиш ҳамда уларнинг барқарор ривожланишида кўчмас мулкларнинг ўрни ва роли алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам кўчмас мулклар ҳамда уларнинг бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларига мослигини ўрганиш ҳар томонлама самарали йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу тадқиқот йўналишида хорижий ва республикада кўчмас мулкларнинг иқтисодчи олимлари илмий тадқиқотлар олиб боришганлиги маълумдир. Жумладан, кўчмас мулк объектларининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортишнинг назарий, услубий ҳамда амалий масалалари хорижлик иқтисодчи олимлардан А.Смит, Д.Рикардо, ва Майбурувнинг илмий ишларида тадқиқ этилган¹.

¹ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов/А.Смит.[пер. с англ.] – М.: Эксмо, 2007. – 960 с.; Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. Избранное/Д. Рикардо. [пер. с англ.] – М.: Эксмо, 2007. – 960 с.; Маршалл А. «Принципы экономической науки. Т. III» / А. Маршалл. – М.: Издательская группа «Прогресс», 1993. – 350 с.; Смирнов Д.А. Теория и методология имущественного налогообложения: дис. д-ра экон. наук:

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Т.Маликов, О.Олимжонов, Ш.Тошматов, Н.Жумаев, З.Курбанов, Н.Абдусаломова, У.Гафуров, М.Б.Калонов К.Б.Уразов, С.Ташназаров¹ сингари олимларнинг илмий ишларида кўчмас мулк объектларини бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортишни такомиллаштиришнинг назарий ва илмий-услубий жиҳатлари қисман ўз аксини топган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида индукция ва дедукция, замон ва макон, анализ ва синтез, мантикий таҳлил каби усулларни қўллаган ҳолда ўрганилган. Ушбу жараёнда турли жадвал ҳамда фикрларни умумий яхлит тарзда фойдаланиш мумкин бўлган усулдан ҳам фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Кўчмас мулкларнинг ҳисобини такомиллаштириш масалаларини кўришдан олдин, кўчмас мулклар таркибига қандай мулклар киришини кўриб ўтсак мақсадга мувофиқ. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ✓ ер участкалари;
- ✓ бинолар, иншоотлар, шу жумладан қурилиши тугалланмаган объектлар;
- ✓ кўп йиллик дов-дарахтлар.

бино–функционал мақсадига қараб одамлар яшаши ёки бўлишига ва ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга мўлжалланган, таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат қурилиш тизими;

ер участкаси– ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисми.

иншоот – ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажариш, моддий қимматликларни жойлаштириш ва сақлаш, одамларнинг вақтинча бўлиши (ҳаракатланиши), шунингдек усқуналар ёки коммуникацияларни жойлаштириш (ўтказиш, улаш) учун мўлжалланган, таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат ҳажмий, ясси ёки чизик тарзидаги қурилиш тизими.


кўчмас мулк – ер участкалари, бинолар, иншоотлар, шу жумладан, қурилиши тугалланмаган объектлар, кўп йиллик дов-дарахтлар ва мулкый комплекс сифатида бутун корхоналар.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналарда мавжуд кўчмас мулкларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишда уларнинг юқорида санаб ўтилган ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатимизда амал қилаётган ҳуқуқий ва маъмурий ҳужжатларда кўчмас мулкларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш учун меъёрий-ҳуқуқий база ижобий ҳолда мавжуд. Корхоналарнинг кўчмас мулкларини турли белгилари бўйича асосан уч гуруҳга бўлиб, уларни қуйидагича таснифланса мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

Корхоналар кўчмас мулклари турли белгиларига кўра ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш ва бошқа соҳасидаги кўчмас мулкларга бўлинади(1-чизма).

08.00.10/Смирнов Денис Александрович. – М., 2010. – 392 с.; Obuoforibo B. United Kingdom – Corporate Taxation/B. Obuoforibo. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – United Kingdom (Latest Information 31.03.2015) [Электронный ресурс] Режим доступа: <http://www.ibfd.org> (дата обращения: 10.12.2019).; Дружилловская Э.С. Проблемы применения справедливой стоимости в российском и международном бухгалтерском учёте//Международный бухгалтерский учет, 2014 № 17.; Майбууров И.А. Налоги и налогообложение. Ред. 4-е изд. - М., 2011. - 558 с.

¹ Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, 2009.-556 б.; Олимжонов О.О. Адолатли солиқ-мамлакат таянчи. Солиқ тўловчи журнали, 2006. № 6.; Тошматов Ш.А. Қўшилган қиймат солиғи. Монография. Тошкент.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2004.-160 б.; Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. Диссертация автореферати. Т., 2008.-37 б.; Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. Монография. – Т.: Фан, 2005. -236 б.; Курбанов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудитнинг назарий ва методологик асослари. Дис.и.ф.д. – Тошкент.: БМА, 2008. 272 б.; Абдусаломова Н.Б. Металлургия саноати корхоналарида ички назорат услубиятини такомиллаштириш.“Ўзбекистон статистика ахборотмаси” илмий электрон журнали. 2020 йил, 1-сон.; Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. И.ф.д. дисс. автореферати. – Т., 2017. - 96 б.; Калонов М.Б. Даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили услибиёти. – Т.:Akademnashr, 2019. –352 б.;



1-чизма. Кўчмас мулкларнинг турли белгиларига кўра таснифи

Ишлаб чиқариш соҳасидаги кўчмас мулкларга бевосита ишлаб чиқаришга доир бўлган Бинолар (цех, омбор, лаборатория, идора, гараж, ўт ўчириш депоси ва шу каби меҳнат шароитини яратиб берувчи, товар-моддий бойликлар бутлигини таъминловчи объектлар), иншоотлар(очик айвонлар, деворлар, сув миноралари, темир йўл шохобчалари, насос станциялари, каналлар, сув ҳавзалари, асфальтланган йўллар ва йўлкалар) ва ерлари киради.

Ноишлаб чиқариш соҳасидаги кўчмас мулкларга бошқарув аппаратига доир, шунингдек корхонанинг ижтимоий-маданий, маиший, соғлиқни сақлаш, коммунал мақсадларда фойдаланиладиган бинолар, иншоотлар ва ерлари киради.

Бошқа мақсадларда фойдаланиладиган кўчмас мулкларга Сотиш учун мўлжалланган(5-сон МХХС бўйича), Ижара бериш учун(17-сон БХХС бўйича), Инвестициявий кўчмас мулк(40-сон БХХС бўйича)ларга бўлиш мумкин. Бу мақсадларда ишлатилиши асосан чет мамлакатларда ривожланган ва кўпроқ аҳамият берилади. Мамлакатимизда бу борада ишларга эътиборсиз қолиб кетганлигини кўриш мумкин.

Кўчмас мулкларнинг хусусиятларига қараб, корхоналар фаолиятининг қайси хизмат турларини бажариш усуллари бўйича аниқ ва етарли ахборотларни бухгалтерия ҳисобида шакллантириш ва назоратини таъминлаш учун 0120 - «Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар»[3] счётидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги ишчи счётларни очиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз(1-жадвал):

1-жадвал

0120 – “Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар” счётлари таркибидаги ишчи счётлар режаси

Счёт №	Счётлар номланиши	Счёт тури
0120	БИНОЛАР, ИНШООТЛАР ВА УЗАТУВЧИ МОСЛАМАЛАР	<u>A</u>
0121	“Ишлаб чиқаришга доир кўчмас мулклар”	<u>A</u>
0122	“Ноишлаб чиқаришга доир кўчмас мулклар”	<u>A</u>
0123	“Бошқа мақсадларга кўра кўчмас мулклар”	<u>A</u>
0220	БИНОЛАР, ИНШООТЛАР ВА УЗАТУВЧИ МОСЛАМАЛАРНИНГ ЭСКИРИШИ	КА
0221	“Ишлаб чиқаришга доир кўчмас мулклар”нинг эскириши	КА
0222	“Ноишлаб чиқаришга доир кўчмас мулклар” нинг эскириши	КА
0223	“Бошқа мақсадларга кўра кўчмас мулклар”	КА

Мазкур 1-жадвалда келтирилган ишчи счётларни амалиётда қўлласа, уларнинг ҳисоби алоҳида юритилса, корхоналарда ишлаб чиқариш ҳаражатлари, кўчмас мулкларнинг ҳаракати ва уларнинг самарадорлигини аниқлаш бўйича аниқ маълумотларга эга бўлиш имкониятини беради.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб, мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналарда мавжуд кўчмас мулкларнинг бухгалтерия ҳисоби ва унинг назоратини самарали олиб борилиши учун кўчмас мулкларнинг турли белгиларига кўра ва бажарган ишининг ўзига хос хусусиятларига қараб, уларни бухгалтерия ҳисобини юритиш керак деган хулосага келдик. Ушбу хулосамиздан келиб чиқиб қуйидагича таклифларни маъқул деб топдик:

- ✓ кўчмас мулкларнинг қайси мақсадда ишлатилишига қараб ҳисобга олиш;
- ✓ Кўчмас мулкларни тегишли белгиларига қараб қуйидаги 0120 – “Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар” счётлари таркибида: 0121-“Ишлаб чиқаришга доир кўчмас мулклар”, 0122-“Ноишлаб чиқаришга доир кўчмас мулклар”, 0123-“Бошқа мақсадларга кўра кўчмас мулклар” ва уларга мос эскириш счётларларда ҳисобга олиш.
- ✓ кўчмас мулклар қийматини тўғри ва ўз вақтида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мослигини аниқлаш ва ҳисобга олиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон.
2. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.
3. 21-сон БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома” 23.10.2002 й. N 1181.

Интернет сайтлари:

1. <https://lex.uz/> Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

<p>О.Эсанов</p> <p>Вопросы совершенствования учета недвижимого имущества в Республике Узбекистан</p> <p>Аннотация: в Республике Узбекистан недвижимость является одним из важных объектов в развитии нашего народного хозяйства, в статье освещены анализ объектов недвижимости на балансе предприятий, их роль в бухгалтерском учете и их основные задачи.</p> <p>Ключевые слова: недвижимость, здание, земельный участок, строительство, надзор, контроль, товарищество по недвижимости, бухгалтерские задачи.</p>	<p>O.Esanov</p> <p>Issues of improving the accounting of immovable properties in the Republic of Uzbekistan</p> <p>Abstract: in the Republic of Uzbekistan, real estate is one of the important objects in the development of our national economy, the analysis of real estate in the balance sheet of enterprises, their role in accounting and their main tasks are highlighted in this article.</p> <p>Keywords: real estate, building, plot of land, structure, accounting, control, analysis, real estate accounting, accounting tasks.</p>
--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

2.06.2023 йилда теришга берилди. 21.06.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0045А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023